

**Наманган вилоят тарихи  
ва маданияти давлат музейи сақланаётган  
Заргарлик тақинчоқлар**

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи  
Мухамадиев М.*

“Дунёда биргина аёл бўлса ҳам заргарга иш топилади” деган ибора бор. Заргарлик қадимий ҳунармандчилик соҳаларидан бири бўлиб, бугунги кунда ривожланди ва санъат даражасига кўтарилди. Заргарлик дўконларига тез-тез кириб турадиганлар ҳар бир тақинчоқни санъат асари дея баҳолай бошлишди.

Аёллар тақинчоқнинг энг чиройлисини тақиши, эркаклар эса бетакрор ишлангани ва қимматбаҳосини совға қилишни хоҳлайдилар. Асл тақинчоқ олишни биладиганлар заргарнинг маҳоратига тасаннолар айтишади. Аммо, кўпчилигимиз ушбу буюмларнинг қандай меҳнат билан яратилишини, ҳар бир тақинчоққа заргарнинг кўз нури сингишини ва қанақа металлар ишлатилишидан бехабармиз. Қолаверса заргарлик санъатининг тарихи ва турли усулларини яхши билмаймиз. Қўйида заргарлик касбининг тарихи, айрим нозик сирлари ва бетакрор ишланган қадимий тақинчоқлар хақида қисқача тўхталамиз.

Заргарлик - бадиий ҳунармандчилик соҳаларидан бири бўлиб олтин, кумуш, мис, қалай каби рангли металлардан зеб-зийнат, тақинчоқлар, безак буюмлари ясаш касбидир.

Безак буюмлари тайёрлашда метални эритиб қўйиш, болғалаб (зарб берип) ясаш, ҳаллаш (олтин ва кумуш суви юритиш), ўйиб ёки бўрттириб нақш тасвирлаш, босма, қолипли каби усуллардан кенг фойдаланилади. Қимматбаҳо гавҳар, феруза, дур каби тошларга ишлов берилиб, “кўз”лар ўрнатилади.

Ўлкамизда ўтказилган археологик қазилмаларда топилган тақинчоқлар заргарлик ҳунарининг қадимдан мавжудлигини кўрсатади. Ўзбекистон музейларида сақланаётган энг қадимий топилмалар Юнон-Бақтрия подшолиги (милоддан аввалги 3-2 аср), қадимги Хоразм (миллоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталари) давлатига хос бўлиб, ўша даврларда ҳам заргарлик ривож топганлигига далилдир. Ундан кейинги даврларда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Ҳива, Кўқон, Шахрисабз каби шаҳарларда яратилган заргарлик буюмлари намуналари бебаҳо ҳазина сифатида сақланмоқда. Наманган вилоятининг қадимий Ахсиент, Поп, Чуст шаҳарларида заргарлик ҳунари ривожланиб келган. Поп туманидаги Мунчоқтепада олиб борилган қазилмаларда топилган ашёлар орасида энг кўпи мунчоқлар бўлиб, уларнинг сони ҳозир 10 минг донага етди. Мунчоқлар ярим қимматбаҳо тошлардан, ёғоч, данак, балиқ умуртқалари ва ҳайвон суюкларидан тайёрланган, баъзиларига нақшлар, гуллар солинган.

Шунингдек, темир ва бронзадан ясалган билагузук, сирға, узуклар ҳам кўплаб топилган. Тақинчоқлар орасида Ҳинд океанидан келтирилган чиғаноқларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Мунчоқ - қимматбаҳо ранг-баранг тош, шиша ва шу каби ашёлардан думалоқ, узунчоқ шаклларда тайёрланадиган доначалардир. Доначаларни ипга тизиб ясаладиган ҳамда бўйинга тақиладиган тақинчоқлар ҳам мунчоқ деб аталади. Мунчоқ қадимдан аёлларнинг, болаларнинг безак буюми хисобланиб, кўплаб халқлар орасида кенг тарқалган. Неолит даврида тош ва суюқдан, жез даврида металлардан ясалган. Қадимги Мисрда шиша ихтиро қилингач, ушбу материалдан ясалган мунчоқлар кенг тарқалди. Тумор ва кўзмунчоқлар хавфли қасалликлардан, “ёмон кўзлар” ва баҳтсиз ҳодисалардан сақлайди, тақинчоқлар баҳт, омад келтиради деб тушунилган.

Ўлкамизда қадимий тақинчоқларнинг турли шакллари бўлиб, улар - баргак, бибишак, билагузук, бозубанд, бозигардон, балдоқ, булоқи,

бўйинтумор, гажак, дуотузи, жевак, жиға, заркокил, зебигардон, тиллақош, зулф, исирға, кокил, ойболдоқ, осматузи, санчок, тавқ, тилла баргак, тиллатузи, турунж, узук, шокила, қашқарболдоқ, ҳалқа каби номлар билан аталган. Ушбу тақинчоқлар орасида Ахсикент заргарлари томонидан тайёрланган сирға, узук сингари турли зеб-зийнатлар бошқа ўлкаларда ҳам гўзаллиги билан донг таратган. 19-аср охири, 20-аср бошида ўзига хос ишланиши, шакли, безаклари, хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилган хилма-хил заргарлик буюмлари кенг тарқалган, зийнат буюмлари тўпламлари вужудга келган.

Қадимий Миср, Юнонистон, Эрон, Хитой заргарлари маржон, нефрит, каҳрабо тошлардан кенг фойдаланишган. Европада эса, роман ва готика даврида (12-15 асрлар) заргарлик санъати ривожланиб, янги усул ва услублар вужудга келди. Ушбу ўлкаларда ясалган тақинчоқлар савдо карvonлари орқали юртимизга келтирилган, маҳаллий заргарларнинг маҳсулотлари эса бошқа мамлакатларга тарқалган.

Заргарлар тақинчоқлар ясаш билан бирга қўлёзма китобларнинг ҳошияларига зарвараклар ҳам ишлашган. Жумладан, Алишер Навоийнинг "Ҳамса" асарига 1492-1493 йилларда Ҳиротда ишланган зарварақ (хаттот Султонали Машҳадий, музахҳиб Мавлоно Ёрий) ҳозир Санкт-Петербург Давлат кутубхонаси қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи ҳазинасида ҳам кумуш, мис, шиша ва қимматбахо тошлардан ишланган тақинчоқлар сақланиб келинаяпти. Ушбу безакларнинг айримлари хақида қисқача маълумот берим ўтамиш:

Музей ҳазинасида 5510/3 инвентар рақами билан сақланаётган маржон. Узунлиги: 37 см, 3 та тизимдан иборат. XIX аср охири-XX аср бошларига оид. 1977 йил 22 июнда музейга қабул қилинган.



Қалампир мунчоқсимон шаклдаги қизил рангда.



1075 инвентар рақами билан сақланаётган бўйинтумор. XIX-XX асрга оид. Ҳажми: 7x1.5 см. 1956 йил 25 майда музейга қабул қилинган.

Бўйинтумор мисдан тўртбурчак шаклда ясалган бўлиб, бир тарафида ўймакорлик безаклари, тош ва “кўз”лари ҳамда араб алифбосидаги сўзлар акс эттирилган. Иккинчи томонининг ўрта қисми бўртма услубда ишланган, рамканинг четлари ўсимликсмион нақшлар билан безалган. Тўрт тарафига эски араб ёзуvida сўзлар битилган. Туморнинг бўйинга осадиган қисми уч бўлакли занжирдан иборат. Занжирнинг бошланишида гажаксимон безак, катта қизил “кўз”, ўртасида ва учида тўртбурчак шаклда ўйма нақшли безак бўлиб, “кўз”лари тушиб қолган.



1343 инвентар рақами билан сақланаётган мунчоқ.

Узунлиги: 5 см. 1957 йилнинг июл ойида музейга келтирилган. Мунчоқ бир тизимдан иборат бўлиб, яшил рангдаги ва бир дона оқиши рангдаги мунчоқлардан иборат. Бу мунчоқ Мунчоқтепа қабрларидаги жасад ёнидан топилган ва хозир вилоят ўлкашунослик музейи тарих бўлимининг археология кўргазма залида намойиш этиб келинмоқда. Қадимда марҳумлар билан бирга озиқ-овқат, меҳнат қуроллари ва зеб-зийнат буюмлари ҳам кўмилганини тарихий китобларда ўқиганмиз.



5060/1 инвентар рақами билан сақланадиган билагузук. Айланаси: 20 см, эни: 1,5 см. XIX аср охири, XX аср бошларида ишланган. 1975 йил 3 февралда музейга қабул қилинган.

Билагузук кумушдан тайёрланиб, ўсимликсимон нақшлар билан безатилган,

панжарали, ўймали, ҳар ҳил тошлар ёпишириб ишланган. Қадимда бундай тақинчоқлар заргарлар томонидан ясалган.

Кейинчалик заводларда тайёрлана бошланган.



4882 инвентар рақами билан сақланаётган бўйинтумор. 1973 йил 28 майда музейга қабул қилинган. Бўйи: 10 см, эни: 5.5 см, узунлиги: 38.5 см. XIX асрға оид.

Кўриниши тўртбурчак шаклда, қумушдан ясалган. Бўйинтуморнинг юқори қисмида

гулбеззак, марказида бўртма ярим юмалоқ шакл тасвиранган. Атрофи майда соққачалар билан безатилган. Остки қисми панжарасимон нақшли, 10 та осилчоқлари бор ва улардан 2 донаси сақланиб қолган. 1915 йилда Россия империяси томонидан чиқарилган “10 копейка” тангаси боғлаб қўйилган. Бундай бўйинтуморларнинг ичига ҳавф-ҳатарлардан асрагувчи Қуръони-карим суралари ёзилган қофозларни солиб юрилган.

Асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келаётган заргарлик санъатининг ривожи 20-аср бошларида сустлашди. Мамлакатимизда халқ усталарининг сони қисқара бошлади. Уларга қимматбаҳо хом ашёлардан фойдаланишга руҳсат берилмади. Натижада заргарлар фабрикаларда ишлай бошлашди ва бир ҳил қолипда минглаб тақинчоқлар қўйиш одатга айланди. Аввал эркин ижод қилган уста заргарлар энди заргарлик фабрикаларида меҳнат қилиб аста-секин мавжуд анъаналардан йироқлаша бордилар ва баъзи услублар бутунлай унутилиб кетди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, заргарлик санъати яна жонланди ва қимматбаҳо металлардан фойдаланишга имкон яратилди. Айни пайтда уста заргарлар асосан икки йўналишда - маҳаллий унутилиб борилаётган анъаналарни қайта тиклаш ва замонавий услубларда ижод қилмоқдалар. Тажрибали усталар томонидан Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, Фарғона заргарлик мактабларининг айрим чизгилари бир-бирига

үйғунлаштирилиб, ўзгача услуг ва шаклларда замонавий тақинчоқлар-у, заргарлик буюмлари яратилаяпти.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг уста заргарларнинг “қўл ишлари” қаторида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қўмитаси ҳузуридаги "Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига киритилган 1-сонли Тошкент заргарлик корхонаси, 2-сонли заргарлик корхонаси, 3-сонли заргарлик корхонаси, Давлат бадиий заргарлик маркази, "Кумуш" Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси, Шахрисабз заргарлик корхонаси, Бурчмулла заргарлик корхонаси, Навоий заргарлик корхонаси, "Мусаввир", "Устазода" каби заргарлик марказларининг маҳсулотлари ҳам бозорни тўлдира бошлади. Юксак бадиий ишлов бериш йўли билан нодир металлар ва қимматбаҳо тошлардан буюмлар, тақинчоқлар ишлаб чиқарадиган заргарлик саноат тармоғи шаклланди. Ҳозир заргарлик саноатида хом ашё сифатида қимматбаҳо ва рангли металлар (платина, олтин, кумуш ва бошқалар), уларнинг қотишмалари, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар (феруза, фионит, олмос, ақик, зумрад, ёқут), табиий тошлар, пластмасса, сувак, эмал, шиша каби материаллар ишлатилмоқда.

Заргарлик корхоналарида 585 ва 750 асллик даражали (пробали) тилла қотишмаси ҳамда 925 асллик даражали кумуш қотишмасидан сирға, узук, занжирлар, совғабоп маҳсулотлар, ошхона анжомлари, юқори бадиий сифатга эга заргарлик буюмлари, якка буюртмалар ишлаб чиқарилмоқда. Турли тошларга қиррали ишлов берилмоқда ва заргарлик соҳасида фойдаланиладиган ҳар ҳил рангдаги сунъий кристаллар ўстирилаяпти.

Ўзбекистоннинг заргарлик саноатида ишлатиладиган рангли металлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар мамлакатимиздаги саноат корхоналарида ишлаб чиқарилади ва конлардан қазиб олинади.

Корхоналаримизда ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган заргарлик маҳсулотларининг сифати ва асллик даражасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 8 февралдаги фармони билан

ташкил қилинган Давлат асллик даражасини белгилаш палатаси назорат қилади.

2001 йил 7 декабрда "Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган. 1999 йилнинг 4 июнида Ўзбекистон Республикасининг Давлат асллик даражасини белгилаш палатаси "Асллик даражаси палаталарининг Европа уюшмаси"га тўла хуқуқли аъзо бўлди.

Давлат асллик даражасини белгилаш палатаси "Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг соғлигини текшириш ва тамғалаш халқаро конвенсияси"га кириш масалалари билан 1996 йилдан бўён шуғулланиб келади ва кузатувчи мамлакат мақомида унинг барча кенгашларида қатнашади.

Айни пайтда дунёнинг заргарлик саноати ривожланган мамлакатлари қаторига АҚШ, Италия, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия, Украина, Хиндистон, Хитой каби давлатлар киради.

### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида сақланаётган ноёб экспонатлар каталоги
2. Мозийдан садо журнали. 2016 йил 69-сони
3. Интернет сайти.